

**Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларида давлат божи
тўловларини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Жасур Нуриддинов

Jasur_Nuriddin@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларида давлат божи тўловларини ундиришнинг аҳамияти, назарий-ҳуқуқий асослари ва ўзига хос жиҳатлари, миллий қонунчиликда акс эттирилиши ҳамда айрим концептуал масалалар, ўзига хос жиҳатлари ва чалкашликлар, уларга ечим сифатида таклиф-тавсиялар хусусида фикр юритилади.

Калим сўзлар: суд харажатлари, почта харажатлари, .

I. Кириш қисм

Иқтисодий судларга ариза билан мурожаат қилишда давлат божи тўловларини тўлаш мажбурий бўлиб, тўламаганлик ёки лозим даражада тўламаганлик аризаларни қайтаришга сабаб бўлади. Бироқ, ушбу харажатларни тўлаш тартиблари ва миқдорларидаги чалкашликлар бир қатор муаммоларни юзага келтиради. Ушбу мақола мазкур муаммоларни тадқиқ қилишга қаратилган.

II. Методология

Тадқиқотнинг методологик асосини умумий мантиқий усуллар (таҳлил ва синтез, диалектик, умумлаштириш, аналогия, мавҳумдан конкретга ва конкретдан мавҳумга ўтиш), эмпирик тадқиқот усуллари (таққослаш, гуруҳларга тақсимлаш) ва алоҳида илмий усуллар (формал-юримдик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий) ҳамда илмий билишнинг бошқа усулларидан фойдаланилди.

III. Натижалар

Иқтисодий судларда суд харажатларини ундиришнинг ҳуқуқий табиати таҳлил қилинади. Натижада ушбу объект билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи, қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам берадиган таклифлар ишлаб чиқилади.

IV. Муҳокама қисми

Юқорида келтириб ўтилганидек, кичик тадбиркорлик субъектлари белгиланган давлат божи ставкаларининг ярмини тўлаш ҳуқуқига егалар. Яъни, бошқача айтганда улар давлат божи тўловини бир фоиз миқдорида, суд буйруғи беришда еса 0,5 фоиз миқдорида давлат божи тўлашлари мумкин.

Тадбиркорлик субъектларига берилган мазкур имтиёз уларни кўллаб-қувватлаш учун хизмат қилса-да, бироқ, қонунчиликда ва суд амалиётида бир қатор чалкашликларни келтириб чиқаради.

Масалан, кичик тадбиркорлик субъектлари белгиланган давлат божи ставкаларининг ярмини тўлаши имтиёзми ёки мажбурият? Кўп ҳолатларда тадбиркорлик субъектлари судга ариза тақдим қилишда давлат божини икки фоиз миқдорида тўлайдилар. Суд амалиётида шундай ҳолатларда ортиқча тўланган давлат божини қайтариб бериш ҳолатлари ҳам, қайтариб бермаслик ҳолатлари ҳам учрайди. Сабаби бу вазиятда “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунда ушбу қонданинг ҳуқуқий табиати аниқ ифода қилинмаган. Ушбу қондани кўринишидан ҳам императив, ҳам диспозитив ҳуқуқий табиатга ега норма сифатида тавсифлаш мумкин. Иккала ҳолатда ҳам суднинг ҳаракатларини ноқонуний деб топиб бўлмайди. Давлат божи қайтарилган ҳолатда тадбиркорлик субъекти имтиёздан фойдаланмаган сифатида, қайтарилган ҳолатда еса “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунда кичик тадбиркорлик субъектлари белгиланган давлат божи ставкаларининг ярмини тўлайди деб кўрсатилганлигини сабаб қилиб келтиришимиз мумкин.

Ушбу муаммонинг йечими “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг ушбу қондасига аниқлик киритилиб, кичик тадбиркорлик субъектлари

белгиланган давлат божини икки фоиз миқдорида тўлаганларида қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқариши тўғрисидаги норма билан тўлдирилиши лозим.

Ушбу қоида юзага келадиган яна бир чалкашликлардан бири даъвогар тадбиркорлик субъекти давлат божини бир фоиз миқдорида тўласа ва ишни кўриш якунига кўра даъвогар тадбиркорлик субъектидан республика бюджетига қўшимча давлат божи ундирилса, қўшимча ундирилган давлат божи бир фоиз миқдорида ҳисобланадими ёки икки фоиз? Суд амалиётида шундай вазиятларда қандай чора кўриш тўғрисида аниқлик йўқлиги сабабли турли иккиланиш ва чалкашликларга сабаб бўлмоқда.

Ушбу муаммонинг йечими сифатида кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланувчи даъвогарлар давлат божи имтиёздан фойдаланиб бир фоиз миқдорида давлат божи тўлаб чиққанда, даъвогардан қўшимча давлат божи ундирилганда ҳам давлат божи бир фоиз миқдорида ундирилиши тўғрисида норма киритиш лозим.

Суд амалиётида судьяларни яна бир ўйлантирадиган масалалардан бири давлат божи тўланишида ҳисобланган давлат божи миқдорининг базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаслиги тўғрисидаги нормадир. Ушбу қоида бўйича тўланган давлат божини ишнинг натижасига кўра тақсимлашда муаммолар юзага келади. Масалан, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида давлат божи тўланган бўлса ва даъво суммасининг бир қисми асоссиз деб топилса, давлат божи суммаси асосли деб топилган суммадан ҳисобланадими ёки даъво талабларининг қаноатлантирилган қисмининг фоизи ҳисоблаб чиқарилиб базавий ҳисоблаш миқдорининг ўшанча фоизи ундириладими (дейлик даъво суммаси 5 миллион, шундан 2.5 миллион сўми асосли деб топилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи ундириладими ёки 2.5 миллион сўмнинг 2 фоизими?). Даъвогар кичик тадбиркорлик субъекти бўлиб

давлат божининг белгиланганидан ярми тўланса ҳисоб-китоб янада чалкаш кўриниш олади.

Бу муаммонинг йечими сифатида базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўланган давлат божини ишни кўриш натижалари бўйича тақсимлашнинг аниқ механизмини ишлаб чиқиш лозим.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасида иқтисодий судларга даъво ариза тақдим қилишда давлат божини тўлашдан озод қилинган шахслар доираси келтирилган. Мазкур модданинг 10-бандида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази ҳамда унинг ҳудудий органлари ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар ва аризалар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Модданинг 7-бандида еса Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари сув тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик туфайли давлатга йетказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Суд амалиётида 9-моддада давлат божини тўлашдан озод қилинган шахслар ўз ваколатлари доирасидан четга чиқиб ариза тақдим қилса, ёки 9-моддада кўрсатилган давлат божини тўлашдан озод қилиш асосларидан бошқа асослар билан даъво тақдим қилса имтиёз қўлланилиши ёки қўлланилмаслиги борасида чалкашликлар мавжуд.

Мазкур чалкашликларнинг олдини олиш мақсадида 9-моддада кўрсатилган имтиёзлар қайси ҳолатларда амал қилиши ва қайси ҳолатларда қўллаб бўлмаслиги тўғрисида норматив ҳужжатда ёки Пленум қарорида тушунтириш берилиши лозим.

Давлат бојини ҳисоблашда баъзи ставкалар базавий ҳисоблаш миқдориға боғлиқ бўлиб, базавий ҳисоблаш миқдорлари судға ариза тақдим қилинган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдоридан ҳисоблаб чиқарилиши лозимлиги аниқ емас. Бу ҳақида бирор норматив ҳужжатда ёки Пленум қарорида тушунтириш берилмаган. Судларда давлат бојини судға даъво ариза келиб тушган кундан ҳисоблаш амалиёти мавжуд.

Фуқаролик Кодексининг 245-моддасига кўра, пул мажбуриятида у сўмлар билан чет ел валютасидаги муайян суммаға эквивалент бўлган суммада ёки шартли пул бирликлари билан (екю, “махсус қарз олиш ҳуқуқлари” ва бошқалар) тўланиши лозимлиги назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолларда сўмлар билан тўланиши лозим бўлган сумма тегишли валютанинг ёки шартли пул бирликларининг тўлов кундаги расмий курси бўйича белгиланади, башарти уни белгилашнинг бошқача курси ёки бошқа санаси қонунчиликда ёки тарафларнинг келишувида белгилаб қўйилган бўлмаса. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни амалға ошириш чоғида чет ел валютасидан, шунингдек чет ел валютасидаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланишға қонунчиликда белгиланган ҳоллар, тартиб ва шартлар асосида йўл қўйилади.

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасида мулкый низо бўйича судға даъво аризаси берилганда, даъво қиймати, шартнома суммаси миқдори чет ел валютасида белгиланса, давлат бојининг миқдори ҳаракатлар амалға оширилган санада Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада белгиланиши ва ундирилиши белгиланган.

Қонуннинг 17-моддасида келтирилган ҳаракатлар амалға оширилган сана тушунчаси турлича тушунилиши мумкин, жумладан, судға даъво ариза тақдим қилинган кун ёки ҳал қилув қарори қабул қилинган кун сифатида. Сабаби процессуал қонунчиликда ҳал қилув қарори қабул қилинган кун тушунчаси кўпроқ фойдаланишда еканлиги сабабли ҳаракат амалға

оширилган кун сифатида даъво ариза судга тақдим қилинган кун маъно жиҳатдан яқинроқ. Фуқаролик Кодексининг

245-моддасига асосланиб еса ҳал қилув қарори қабул қилинган кун сифатида қўллаш мумкин. Шунга кўра, судлар амалиётида чалкашликларни олдини олиш мақсадида қонуннинг ушбу моддасига судларда ҳаракат амалга оширилган кун сифатида қарор қабул қилинган кун тушунилиши лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилиши ёки қонун нормаси бевосита ўзгартирилиши лозим.

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасида давлат божини қайтариш асослари келтирилган бўлиб, унда кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда давлат божи қайтарилади дейилган. Лекин, қонуннинг мазмунига назар ташласак, ушбу қоида фақатгина тўланган давлат божини қайтаришга нисбатан қўллаш мумкин. Дейлик, даъвогар манфаатида палата давлат божини тўламасдан чиққан ва иш бўйича медиатив келишув тузилиб даъво кўрмасдан қолдирилган. Суд ажримининг асослантирувчи қисмида палата давлат божи тўламасдан чиққанлиги ва 18-модда ҳам давлат божи ундирилмаслиги кўрсатилганлиги сабабли иш бўйича давлат божи ундирилмайди деб кўрсатади. Бироқ, 18-моддада фақатгина давлат божини қайтариш тартиби белгиланган. Яъни, 18-модда тўғридан-тўғри асос бўлмай, моҳиятан қонун фақатгина аналоги бўйича қўлланилади. Ушбу муаммонинг йечими

18-моддага давлат божи тўланмаган бўлса ундирилмайди мазмунидаги норма киритилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги 36-сонли “Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарорининг 12-бандида ҳам ушбу норма фақат қайтариш ҳақидалиги тўғрисида тушунтириш берилади:

“Судларга тушунтирилсинки, давлат божини қайтариш асослари “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасида назарда тутилган бўлиб, унинг маъносига кўра, давлат божи қонунда талаб қилинганидан

ортиқча миқдорда тўланган бўлса, шу ортиқча тўланган қисми, бошқа ҳолларда еса тўлиқ ҳажмда қайтарилади.”

Давлат божи тўловларини тартибга солишда ўзига хос “оқ доғ” мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги 36-сонли “Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарорининг 20-бандида тушунтириш берилганки, давлат божи билан боғлиқ масалалар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан умумий асосларда шикоят (протест) берилиши мумкин. Бундай шикоятлар учун давлат божи тўланмайди.

Юқорида келтирилган бошқа мисоллар сингари, норматив ҳужжат билан тартибга солиниши лозим бўлган масала Пленум қарори билан тартибга солинмоқда ва “оқ доғ”ни вужудга келтирмоқда. Сабаби давлат божи катта миқдорда ундирилган ишларда қабул қилинган суд ҳужжати устидан шикоят қилиш молиявий сабаблар туфайли қийинлашса ёки имконсиз бўлиб қолса юқори инстансия судлари томонидан ўзларининг ваколатларини суистеъмол қилинишига сабаб бўлади. Сабаби ҳал қилув қарорининг давлат божи қисми устидан шикоят қилиниб, шикоят давлат божисиз иш юритишга қабул қилинса ҳал қилув қарорининг фақатгина давлат божи билан боғлиқ қисми кўриб чиқилмайди. Ҳал қилув қарори тўлиқ кўриб чиқилишига ва бекор қилинишига ҳеч қандай процессуал тақиқ йўқ.

Масалан, ИПК 274-моддасига кўра, суд маърузадан кейин суд мажлисига келган ишда иштирок етувчи шахсларнинг тушунтиришларини ешитади, улар апелляция шикоятида (протестида) кўрсатилмаган важларни келтиришга ва қўшимча материаллар тақдим етишга ҳам ҳақли.

ИПК 276-моддасига асосан еса, суд ишни апелляция инстансиясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослилигини текширади. Суд янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Апелляция

инстансиясининг суди биринчи нстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шарт.

ИПК 299-моддасида суд ишни кассация тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослилигини текшириши, янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкинлиги, кассация инстансияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шартлиги белгиланган.

Юқорида кўриб ўтилган суднинг ўзи томонидан яратилган “оқ доғ”ни бартараф қилиш мақсадида бу каби масалалар норматив ҳужжат билан тартибга солиниши лозимлиги сабабли Пленум қарорининг ушбу бандини бекор қилиш, ёки қарорнинг давлат божи ундируви қисми устидан шикоят қилинганда давлат божи тўланмаслиги тўғрисида Қонунда кўрсатиб ўтиш ҳамда давлат божи тўламасдан қонунни айланиб ўтиш ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида қарорнинг давлат божи ундируви қисми устидан шикоят қилинганда қарорнинг бошқа қисмлари кўриб чиқилмаслиги тўғрисида норма киритиш лозим.

V. Хулоса

Юқорида келтирилган камчиликларни қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш орқали бартараф қилиш мумкин бўлиб, бу орқали тадбиркорлик субъектларининг суд орқали ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш осонлашади. Ортиқча сарсонгарчиликларнинг олди олиниб, тадбиркорлик субъектларига қўшимча рағбатлар пайдо бўлади ҳамда одил суд тизимига бўлган ишончлари янада ошади.

VI. Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/>;
2. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий Процессуал Кодекси, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/>.